

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

3-2018
ИЮНЬ

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

АДАБИЁТШУНОСЛИК

З.ПАРДАЕВА	
Роман жанрининг культурологик қиёфаси	63
С.ҚУРОНОВ	
Исажон Султон романларида олам ва одам концепцияси.....	66
Ф.ДАДАБАЕВА	
Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” асарида портрет ва сифатлашлар таржимаси.....	69
М.ЖУРАЕВА	
Кундош образининг замонавий талқини.....	72

ТИЛШУНОСЛИК

А.МАМАЖОНОВ, Д.ТЕШАБОЕВ	
Қўшма гаплар семантикасига доир баъзи мулоҳазалар	76
Д.ТУРДАЛИЕВА	
Лисоний имконият ва бадий санъат	79
Н.АБДУЛЛАЕВА	
Синтактик градуонимия.....	84

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

А.ХОЖИМИРЗАЕВ	
Мактабгача таълим муассасаларида асосий гимнастика воситаларининг ўрни	87
Р.ДЖАЛИЛОВА	
Ўрта Осиё меъморчилигида наққошлик санъатининг тарихий ва замонавий моҳияти.....	92

ИЛМИЙ АХБОРОТ

К.ҚОДИРОВ, Т.БАКИРОВ, Ҳ.ҚОДИРОВА	
Математик фанларни ўқитишда улар орасидаги узвийликни очиб бериш ҳамда ўзаро алоқадорликдан фойдаланиш.....	95
Л.РАХИМОВА	
Ядросида Бессель функцияси қатнашган ўрамсиз операторлар ва уларнинг хоссалари	99
М.РАХИМОВ, Ф.ТУХТАСИНОВ	
Жадал технология шароитида четдан келтирилган сигирларнинг сут маҳсулдорлигига боқув технологиясининг таъсири	101
А.ЭРМАТОВ	
Корхона захира (резерв) капиталининг бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш	103
Л.БЕГИМҚУЛОВА	
Шоҳруҳ Мирзонинг давлатчилик фаолиятига оид айрим мулоҳазалар.....	106
М. УСМАНОВА	
Нутқ фаолиятининг хусусиятлари ва ривожланиши	108
Ҳ.ЖУРАЕВ, И.АБДУРАҲИМОВА	
Бобур лирикасида ифоданинг маъно қатламлари	111
Н.ТОШЕВА	
Халқ топишмоқлари эпиграф сифатида.....	113
Г.РОЗИҚОВА	
Ноодатий боғланиш – услубий восита сифатида.....	116
З.АКБАРОВА, Ш.АНВАРҲУЖАЕВА	
Нутқ маданияти масалаларининг ўрганилишига доир.....	118
Ш.АСКАРОВА	
Немис тили дарсларида лексикани ўргатиш методлари.....	120
М. КАРИМОВА, И.МЕРГАНОВ	
Ўрта асрлардаги педагогик фикрларнинг маънавий моҳияти.....	123

АДАБИЙ ТАҚВИМ

Илмга бахшида умр.....	126
-------------------------------	-----

КОРХОНА ЗАХИРА (РЕЗЕРВ) КАПИТАЛИНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

А.Эрматов

Аннотация

Мақолада ҳўжалик юритувчи субъектларнинг хусусий капитали таркибида жойлашган резерв капиталнинг бухгалтерияда ҳисобга олиниши ва уни ҳисобдан чиқариш бўйича мавжуд муаммонинг ечими ўз ифодасини топган.

Аннотация

В статье нашли определение решения проблемы, имеющиеся по бухгалтерскому учету и списанию резервного капитала в составе собственного капитала хозяйствующих субъектов.

Annotation

The article found a definition of the solution of the problem, available for accounting and writing off reserve capital as part of the equity of economic entities.

Таянч сўз ва иборалар: бухгалтерия ҳисоби тамойиллари, мувофиқлик тамойили, асосий воситаларни қайта баҳолаш, узоқ муддатли активлар, қайта баҳолаш, узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар, харажатларни тан олиш, қайта баҳолаш натижаларини ҳисобдан чиқариш

Ключевые слова и выражения: Принципы бухгалтерского учета, принцип совместимости, переоценка основных средств, долгосрочные активы, переоценка, исправления по переоценке долгосрочных активов, признание расходов, списание результатов переоценки

Keys words expressios: Principles of accounting, compatibility principle, revaluation of fixed assets, long-term assets, revaluation, corrections for revaluation of long-term assets, recognition of expenses, writing-off of revaluation results

Мамлакатимизда иқтисодиёт ва бухгалтерия ҳисоби соҳаларида олиб борилаётган ислохотларнинг асл мақсади иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланишини таъминлаш ҳамда бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларга мос юритилишига эришишдан иборатдир. Бу икки мақсад бир вақтнинг ўзида бир-бирига мувофиқ тарзда шакллантирилиб борилишини тақозо этади, чунки қабул қилинадиган қарорларнинг асослари мамлакат иқтисодиётининг бир бўлаги ҳисобланган ҳўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботлари маълумотлари таҳлиliga таянади. Таҳлил натижаларининг тўғри бўлиши эса молиявий ҳисоботларни қанчалик аниқ ва тўғри тузилганлигига боғлиқ.

Ҳўжалик юритувчи субъектлар бухгалтерия балансининг пассив қисми биринчи бўлимида ўз аксини топган корхона ва ташкилотларнинг хусусий капитал ҳисоби тўғрисида сўз борганида мамлакатимиз ва чет эл олимлари томонидан чоп этилган илмий манбаларда асосан низом фондини шакллантириш ҳолатига асосий эътибор қаратилади, ваҳолонки, хусусий капитал ҳисобини ўрганишда унинг бошқа таркибий қисмлари ҳам инобатга олиниши зарур. Чунки корхона хусусий капитали эвазига шаклланган мулкларни ҳисобини тўғри юритилиши унинг ўз маблағлари тўғри бошқаришига замин яратади.

Корхона хусусий капитали

таркибида ҳисобга олинадиган 8510-“Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар” счетининг ҳисоб жараёни, яъни унинг шаклланиши тўғрисидаги маълумотларни илмий адабиётларда ҳамда кўплаб тадқиқот ишларида учратишимиз мумкин, бироқ унинг ҳисобдан чиқарилиши бўйича ҳисоб жараёнида ўрганилиши зарур бўлган кўплаб масалалар мавжуд. Масалан, бухгалтерия ҳисоби меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларида белгилангандек, ҳўжалик юритувчи субъектлар ҳар йили 1 феврал санасигача асосий воситаларни гуруҳлари бўйича қайта баҳолашлари зарур[1] ҳамда натижалар бухгалтерия ҳисобида 1-жадвалда берилган 8510 счетнинг бошқа счетлар билан корреспонденцияланиши тартибида ҳисобга олинади. Бироқ 21-сонли БҲМС ва бошқа меъёрий ҳужжатларда ҳам асосий воситаларнинг қайта баҳолаш натижасида шаклланадиган қийматлар мисоллар билан келтирилмаган.

21-сонли “Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти”фиға кўра корхона таъсис ҳужжатларига асосан фойда ҳисобидан шакллантириладиган резерв капитали, мулкни қайта баҳолашдан юзага келадиган инфляция резервлари, пул маблағларидан ташқари текинга олинган мулклар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади [2]:

А.Эрматов – ФарПИ таянч докторанти.

8510 “Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар”;
8520 “Резерв капитали”;
8530 “Текинга олинган мулк”.

Асосий воситаларнинг қийматлари ҳар йиллик қайта баҳоланиш натижасида номаълум суммага ошиши ёки камайиши мумкин, бироқ ошиш ҳамда камайиш суммалари бир бирига тенг бўлиш эҳтимоллиги жуда кам. Амалий тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики, узоқ муддат давомида асосий воситаларнинг алоҳида гуруҳларида қайта баҳолаш натижасида бошланғич ва эскириш қийматларининг доимий ортиб бориши натижасида 8510-“Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар” сметида корхона баланси таркибида сезиларли улушга эга суммалар йиғилиб қолмоқда. Мазкур суммалар эса асосий воситалар ҳисобдан чиқарилмагунча мазкур сметида сақланмоқда, лекин бу бухгалтерия ҳисобининг айрим тамойилларига зид ҳисобланади.

Асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш жараёнида мазкур асосий воситаларнинг қайта баҳоланиши натижасида юзага келган қийматлар асосий воситанинг ҳисобдан чиқарилишидан даромад кўринишида тан олиншига тўғри келади, бироқ мазкур

қийматлар корхонанинг ишлаб чиқарилаётган маҳсулот, иш ва хизматлар таннархига асосий воситаларнинг фойдали хизмат муддати давомида амортизация ажратмалари шаклида киритиб юборилиши эътибордан четда қолмоқда. Бу эса ўз навбатида бухгалтерия ҳисобининг ҳисобот даври даромадлари ва харажатларининг мувофиқлиги тамойилига зид ҳисобланади.

Бухгалтерия ҳисобининг ҳисобот даври даромадлари ва харажатларининг мувофиқлиги тамойили – ҳисобот даврида фақат шу давр даромадларини олишга сабаб бўлган харажатларни тан олиншини назарда тутати. Агарда айрим даромад ва харажатларнинг ўзаро боғлиқлигини аниқлаш қийин бўлса, у ҳолда харажат бир неча даврлар ўртасида маълум тақсимлаш тизимига кўра бир неча йилга тақсимланади. Мазкур тамойил ҳисоблаш тамойили билан биргаликда амал қилади ҳамда ҳамма даромадларни олинш даври бўйича, тегишли харажатларни эса ушбу даромадлар олинган ҳисобот даврида тан олиншини белгилайди. Яъни, сотилган маҳсулот таннархи, мазкур маҳсулотни сотишдан тушум (даромад) тан олинган даврда тан олинши керак. Бошқа ҳисобот даврига ўтказилиши мумкин эмас.

1-жадвал

8510- “Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар” сметида бошқа сметида бўйича 21-сонли БҲМСга кўра боғланиши

Т/р	Хўжалик муомалаларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши		
		Дебет	Кредит	
1.	Резерв капитали ҳажмининг мулк қийматини қайта баҳолаш натижасида кўпайиши:			8510
	а) асосий воситалар;	0110-0199		
	б) узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар;	0310		
	в) ўрнатиладиган асбоб ускуналар;	0710-0720		
	г) тугалланмаган қурилиш;	0810		
	д) узоқ муддатли инвестициялар	0610-0690		
2.	Мулкнинг қийматининг ўтган қайта баҳолаш қийматининг оширилган миқдоригача камайирилиши натижасида резерв капиталининг камайиши:			
	а) асосий воситалар;	8510	0110-0199	
	б) узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар;		0310	
	в) ўрнатиладиган асбоб ускуналар;		0710-0720	
	г) тугалланмаган қурилиш;		0810	
	д) узоқ муддатли инвестициялар		0610-0690	
	ўтган қайта баҳолаш қийматидан ошган суммага:			
	а) асосий воситалар;	9430	0110-0199	
	б) узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар;		0310	
	в) ўрнатиладиган асбоб ускуналар;		0710-0720	
г) тугалланмаган қурилиш;	0810			
д) узоқ муддатли инвестициялар	0610-0690			
3	Асосий воситалар эскиришини қайта баҳолаш:			
	а) қиймати оширилганда;	8510	0211-0299	
	б) қиймати камайирилганда.	0211-0290	8510	

Шу сабабли, асосий воситаларни қайта баҳолаш натижаси сифатида тан олинган захира капитали ҳам мазкур асосий восита чиқиб кетаётганда даромад сифатида тан олинмасдан, балки, мазкур асосий воситанинг қолган фойдали хизмат муддати бўйича мутаносиб тарзда тақсимланиши керак деб ҳисоблайман. Буни амалга ошириш учун эса биринчи галда бухгалтерия ҳисобининг

моддаларни тан олиш шартларини бажариш зарур, яъни тан олиниши керак бўлган қийматни аниқлаш зарур. Асосий воситалар қийматини қайта баҳолаш натижасида шаклланган қийматни асосий воситанинг фойдали хизмат муддати давомида тақсимланиши учун қуйидаги формулани таклиф этаман.

$$ТҚҚ = \frac{\text{Асосий воситаларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар қолдиғи}}{\text{Асосий воситанинг қолган фойдали хизмат муддати}}$$

Бу ерда:

ТҚҚ – тақсимланган қайта баҳолаш бўйича тузатишлар қолдиғи қиймати.

Тақсимланган қайта баҳолаш бўйича тузатишлар қолдиғи қийматини бухгалтерия ҳисобида тан олиш эса мазкур асосий восита эскириш қиймати қайси харажат тури сифатида тан олинган бўлса, шу харажат турини камайтириш учун йўналтирилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Масалан асосий восита ишлаб чиқариш жараёнида банд бўлган бўлса, унинг амортизация қиймати ишлаб чиқариш харажати сифатида маҳсулот таннархини шакллантиради. Шу сабабли, тақсимланган қайта баҳолаш бўйича тузатишлар қолдиғи қийматини маҳсулот таннархини камайтиришга йўналтириш зарур. Натижада асосий воситани қайта баҳолаш натижасида маҳсулот таннархига киритилган ортиқча қиймат қайтариб чиқарилади ва маҳсулот таннархини камайишига сабаб бўлади.

Айтиш жоизки, корхона захира капитали ҳисобини такомиллаштириш борасида олиб борилган изланишлар натижасида аниқланган муаммони бартараф этиш учун берилган

таклифлар амалда ҳисоб жараёнини қуйидагича такомиллашувига имконни беради:

– Корхона захира капиталларини бухгалтерия ҳисобининг мувофиқлик тамойили бўйича ҳисобдан чиқариш;

– Ишлаб чиқариш корхоналарида маҳсулот таннархига киритилган асосий воситалар қайта баҳоланиши эвазига юзага келган ортиқча қийматларни таннарх таркибидан чиқариб юбориш;

– Ишлаб чиқариш ёки ноишлаб чиқариш харажатлари сифатида тан олинган, қайта баҳолаш жараёнида шаклланган ҳамда амортизацияланиш ҳисобига юзага келган ортиқча харажатларни камайтириш асосида корхона молиявий натижаларининг тўғри аниқланишини тaminлаш.

Мазкур натижалар бухгалтерия ҳисобининг молиявий ҳисоботлари маълумотларига таянган ҳолда тўғри инвестицион ва бошқарув қарорларини қабул қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. “Асосий воситаларни ҳар йили 1 январь ҳолатига кўра қайта баҳолаш тартиби тўғрисида”ги Низом. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 04.12.2002 йилда 1192-сон билан рўйхатдан ўтказилган.
2. Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (21-сонли БҲМС) “Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома”га 2-илова. Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 12.11.2003 йили 1181-1-сон билан рўйхатга олинган.
3. Ғуломова Ф.Ф. Бухгалтерия ҳисобини мустақил ўрганиш учун қўлланма. – Т.: “Норма”, 2012 .
4. Каморджанова Н.А., Картошева И.В. Бухгалтерский финансовый учет. 2-е издание. Учебное пособие. – М.: ПИТЕР, 2006 .
5. Лупикова Е.В., Пашук Н.К. “Бухгалтерский учет” Учебное пособие. – Тюмень.: Издательство Тюменского государственного университет, 2004 .

(Тақризчи: М.Адхамов, иқтисод фанлари доктори, профессор).